

Термиз туманидаги маҳаллаларга янги трансформаторлар ўрнатилди



Термиз тумани маҳаллалари инфратузилмасини ривожлантириш ички йўллар, ичимлик суви, электр энергиясини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туманнинг “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғинида 0,4 кВли ҳаво электр тармоғини қуриш ишлари амалга оширилган бўлса туманнинг “Нурли диёр” маҳалласидаги трансформаторни ТП-187А/160 кВани 250 кВАли трансформаторга алмаштириш, шунингдек, “Солиобод”, “Гулистон”, “Чегара”, “Термиз” ва “Дўстлик” маҳаллалари ҳудудидаги трансформаторларни ҳам 160 кВАга алмаштириш ишлари олиб борилди.

Мазкур ишлар натижасида ҳудуддаги кўплаб аҳоли хонадонларида электр таъминоти яхшиланади.